O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган ◆ № 150 (9.494) 2000 йил 22 декабрь, жума ◆ Сотувда эркин нархда

## ДАВР САДОСИ

«Тошкент оқшоми»

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

### МАМЛАКАТИМИЗДА

◆ «Ўзбекистон темир йўллари» ДАК йўловчиларга хизмат кўрсатиш ходимларининг йиғилишида темир йўл транспортида йўловчиларга хизмат кўрсатиш маданияти ва сифатини ошириш масалалари муҳокама қилинди.

◆ «Интерконтиненталь» меҳмонхонасида Хитойда «Ўзбек ярмаркаси»нинг ташкил топиши ва ҳозирги кундаги фаолиятига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

◆ **Кеча** Тошкентдаги муҳташам «Туркистон» саройида ўз ишини бошлаган «Миллий истиқлол ғоясини шакллантириш ва сингдиришда кутубхоналарнинг ўрни ва вазифалари» мавзуидаги республика илмий-амалий анжумани **бугун** ўз ишини якунлади.

◆ Қарши Давлат университетида «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунчалар ва тамойиллар» курсидан дарс ўтадиган ўқитувчиларнинг семинари бўлиб ўтди.

◆ «Экосан» Тошкент клубининг «Ўрта Осиё: XX асрнинг экологик якунлари ва XXI аср даъватлари» мавзуидаги йиғилиши кириб келаётган янги мингйиллик ҳамда Рим клубининг Вена анжумани якунларига бағишланди.

◆ Оналар ва болалар йили деб эълон қилинган Янги йил арафасида Андижон шаҳридаги уч туғруқхонага «Она сути билан чақалоқни боқишнинг ўнта тамойилини қўлловчи, болага самимий муносабатли шифохона» деб тан олинганлиги ҳақидаги сертификат топширилди. Уни ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги вакили жаноб Руде Родригес топширди.

◆ Аёллар ресурс маркази ҳамда БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ахборот маркази томонидан ташкил этилган давра суҳбати «Аёл ҳуқуқлари ва даромад келтирувчи фаолият» мавзуига бағишланди.

◆ Ўзбекистон Миллий университетида «Экологик маданият – соғлом авлодни шакллантиришнинг муҳим омили» мавзуида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

◆ Косонсой шаҳар шифохонаси қошида шошилинч тиббий даволаш маркази очилди.

◆ 1-Тошкент Давлат тиббиёт институтининг кутубхонаси икки мингга яқин ноёб ўқув дарсликлари билан бойиди. Инглиз тилида ёзилган 68 номдаги бу асарлар Жанубий Кореянинг «Brjther's Brjther Foundation» фонди томонидан ажратилди.

◆ Фарғонадаги Юсуфжон қизиқ Шакаржонов номли вилоят театрида «Маҳалла посбонлари» танловининг финал баҳслари якунланди.

◆ **Бугун** пойтахтимиздаги «Шератон-Тошкент» меҳмонхонасида Тошкентнинг энг назокатли, жозибали, мафтункор гўзали аниқланадиган «Мафтуна» танловининг финал босқичи бўлиб ўтади.

◆ Қарши шаҳрида биллиард бўйича Ўзбекистон чемпионати мусобақалари ўтказилди.

◆ Жиззах шаҳридаги муҳташам Олимпия ўринбосарлари спорт коллежи ўйингоҳида мини-футбол бўйича Ўзбекистон Республикаси 5-чемпионатининг тур мусобақалари бошланди.

### ЖАҲОНДА

◆ **Кеча** Москвада Россия ва Украина Президентлари В. Путин билан Л. Кучманинг икки томонлама муносабатлар муаммоларига бағишланган музокаралари бўлиб ўтди.

◆ **Кеча** Душанбега Россия Федерацияси Давлат Думаси делегацияси келди. Делегация тожик-афғон чегарасидаги вазият билан танишишни режалаштирган.

◆ Исроилда муддатидан олдин ўтказиладиган ҳукумат раҳбарлиги учун сайловда сиёсат қозонида обдон қайнаган яна бир номзод – Шимон Перес ҳам курашажагини эълон қилди.

◆ Грозний марказида, миллий университет яқинида жангарилар федерал ички қўшинлар бўлинмасининг пиёдалар жанговар машинасини ўққа тутганлиги оқибатида 7 киши, шу жумладан бу ердан ўтиб кетаётган талабалар ҳалок бўлди, камида 15 киши жароҳатланди. Тергов ишлари олиб борилмоқда. Шу билан бирга Чеченистон маъмуриятининг бошлиғи А. Қодиров гўёки унинг М. Сайдуллаевга Чеченистон ҳукумати Бош вазири лавозимини эгаллашни таклиф этганлик хусусида пайдо бўлган хабарларни рад этди. А. Қодировнинг ҳисоблашича бу лавозимни унинг ўзи эгаллаши керак, М. Сайдуллаев Бош вазирнинг биринчи ўринбосари бўлиши мумкин.

◆ **Кеча** Тбилисида Грузиядаги Россия ҳарбий базалари муаммоларига бағишланган Россия-Грузия музокараларининг бешинчи босқичи бўлиб ўтди.

◆ **Кеча** Москвада МДҲ мамлакатлари мудофаа вазирлари кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди.

◆ БМТнинг Ироқдаги собиқ вакили Ҳанс фон Шпонек АҚШнинг бўлажак янги Давлат котиби Колин Пауэлнинг фикрини кескин танқид қилди. К. Пауэл Ироққа нисбатан қўлланилаётган халқаро иқтисодий жазо чоралари кучда қолиши лозимлигини айтган эди.

◆ **Кеча** Россия Федерацияси Давлат Думаси ўзининг қўшимча йиғилишида 2001 йилдаги байрам ва дам олиш кунларини белгилаб беришга бағишланган федерал қонуни лойиҳасини кўриб чиқди.

◆ **Эртага** Япония халқи ўзларининг миллий байрами — император туғилган кунни нишонлайди.

◆ Келаси йилнинг январь ойи охирлари, февралнинг бошларида АҚШ такомиллаштирилиб борилаётган ракета ҳужумига қарши мудофаа миллий дастури бўйича навбатдаги синовларни ўтказиш ниятида эканлигини АҚШ мудофаа вазирлигининг расмий вакили Кеннет Бейкон айтди.

◆ АҚШ Президенти этиб сайланган Жорж Буш Кондолиза Райсни миллий хавфсизлик бўйича маслаҳатчи лавозимига тайинлади. Келиб чиқиши африкалик бўлган 46 ёшли америкалик К. Райс ташқи сиёсат масаласидаги нуфузли ва муҳим ушбу лавозимга тайинланган биринчи аёлдир.

◆ Югославия Президенти В. Коштуница ташриф билан Парижга келди.

◆ Парижда Франциянинг собиқ президенти Ф. Миттераннинг ўғли Ж.-К. Миттеран Анголага яширин тарзда қурол сотганлик иши бўйича ҳибсга олинди.

◆ Москва вилоят суди ўз эри, Давлат Думасининг депутати, генерал Л. Рохлиннинг ўлимида айбдор деб топилган Т. Рохлинага нисбатан жазо чорасини ўзгартирди. У энди 8 йил ўрнига 4 йил қамоқда ўтирадиган бўлди.

◆ Ўтган чоршанба куни Барселона марказида ЕТА баск террорчилар гуруҳи аъзолари полиция офицерини отиб ташлашди. Террорчилар дарҳол ғойиб бўлишган. Жиноят жойига етиб келган полициячилар бу ердаги машинадан 30 килограмм портловчи модда топишди.

*Янги йил нафаси*

## ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯ ШАРОФАТИ

Пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган Тошкент китоб-журнал фабрикасининг муқова цехига Германиянинг «Колбус» фирмасининг юксак унумли замонавий линиясининг ўрнатилиши маҳсулот сифати ва меҳнат унумдорлиги ортишига асосий омил бўлди.



Жамоанинг 200 нафардан ортиқ ишчи-хизматчиси баракали меҳнати эвазига жорий йилнинг ўтган тўққиз ойида 410 миллион сўмликдан ортиқ турли матбаа маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Шу муддат ичида 36 миллион сўмликдан ортиқ соф фойда олинди. Ишлаб чиқарилган матбаа маҳсулотларининг асосий қисмини мактаб дарсликлари ташкил этади. Ҳозирда муқовалаш цехида қўл меҳнати қисқариб, унумдорлик икки бараварга ошди. Жамоа аҳли шаҳримиздаги нашриётларнинг барчаси билан ҳамкорликда иш юритиб, уларнинг буюртмаларини сифатли ва бекаму кўст адо этиб беради.

— Айни кунларда ҳам фабрикамиз жамоаси буюртмаларни ўз вақтида ва сифатли адо этиш йўлида ғайрат кўрсатишмоқда, — дейди жамоа раҳбари Азимжон Рихсиев. — Албатта, чиқараётган матбаа маҳсулотларимизнинг сифати, харидор дидига мослиги янги хорижий технология ҳамда унда меҳнат қилаётган малакали кадрларимиз саъй-ҳаракатининг шарофатидир. Бундан жамоа аҳли ҳам манфаатдорлиги меҳнат унумдорлигининг ортишига, ишчи-хизматчиларнинг мулкка муносабатларининг, масъулиятларининг ижобий томонга ўзгаришига сабаб бўлди. Ҳозирда фабрикамизда ўртача ойлик иш ҳақи 25 минг сўмни ташкил этади.

Китоб-журнал фабрикасида янги йил нафаси сезилмоқда. Янги аср арафасида умумтаълим мактабларининг 9-синф ўқувчилари учун «Ўзбекистон адабиёти» ҳамда 2-синф учун «Атрофимиздаги олам» дарсликлари чоп этилди. Келгуси йилда эса маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини 600-700 миллион сўмликка етказиш, бошқа мавжуд цехларни ҳам замонавий дастгоҳлар билан қайта жиҳозлаш режалари бор. Шунингдек, турларини кўпайтириш, янада сифатли, жаҳон андозалари даражасидаги маҳсулотлар тайёрлаш жамоа аҳлининг эзгу ниятидир.

**Дилфуза ҒАНИЕВА.**



**СУРАТЛАРДА: корхонанинг Германиянинг «Колбус» фирмасидан келтирилган янги линияси ўрнатилган муқова цехи ишчи-хизматчилари фаолиятидан лавҳалар.**

**Тоҳир Ниғматуллин олган суратлар.**

## ТЕАТРНИНГ ЯНГИ ҚИЁФАСИ

«Шарқ дарвозаси» номини олган Ўзбекистон пойтахти Ўрта Осиёдаги энг йирик маънавий ва маданий марказ ҳисобланади. Тошкентнинг бундай юксак мавқега эришишида Ҳамза номидаги Давлат академик драма театрининг ҳам улкан ҳиссаси бор. Ўзбек ва жаҳон адабиётининг ўлмас асарлари айни шу масканда саҳналаштирилиб, миллионлаб мухлислар эътиборига ҳавола этилган. Лекин замон такомили бундай даргоҳлар ташқи қиёфасининг ҳам жаҳон андозаларига мос бўлишини талаб қилмоқда. Шу боис, Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги Ҳамза театрини замонавий усулда таъмирлаш борасида тендер эълон қилди.

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов 20 декабрь куни театр биносининг бугунги аҳволи, унда хизмат қилаётган ижодий жамоанинг фаолияти билан танишиш мақсадида шу масканга ташриф буюрди. Театр саҳнаси, томошабинлар зали, даҳлизу айвонлари, ташқи қисмини таъмирлаш борасида амалга ошириладиган ишлар ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Президент таъмирлаш жараёнида асосий эътиборни томошабинлар ва ижодий жамоа учун имкон қадар кўпроқ қулайлик яратишга қаратиш лозимлигини таъкидлади. Зеро, театр – муқаддас даргоҳ, томошабинлар унга нафақат дам олиш, ҳордиқ чиқариш, балки маънавий озиқа олиш, дунёқарашини кенгайтириш мақсадида келади. Шу боис таъмирлаш ишлари ҳам юқори савияда амалга оширилмоғи керак. **(ЎзА).**




## ДИЛ ИЗҲОРИ

**Фарида СИРОЖИДДИНОВА,**
**«Шуҳрат» медали соҳиби:**

— Умрим мобайнида ҳаётнинг аччиқ дамларини ҳам, ёруғ кунларини ҳам бошимдан кечирдим. Ҳозирги дориломон бахтли замонда, фарзандларим, набираларим даврасида ҳурмату эъзозда яшаётганимга шукроналар айтаман. Юртбошимизнинг оилаларга, аёлларга, фарзандларимизга кўрсатаётган ғамхўрликларидан қалбларимиз фахр-ифтихор туйғуларига лиммо-лим. Мана яна қувонарли воқеа — Янги йилимиз Оналар ва болалар йили деб эълон қилинди. Бундан фахрланмай, қувонмай бўладими. Бу мен каби оналарга бир олам шодлик бахш этди. Илоҳим, янги асримиз, Янги йилимиз қутлуғ келсин, юртимиз тинч, ҳаётимиз осойишта, бахтиёр кечсин. Янги асримизда оналар доимо ҳурмату иззатда бўлиб, фарзандларининг орзу-ҳавасларини, камолини кўриб яйрашсин, уларнинг чеҳраларига асло ғам-ташвиш соя солмасин.

**Мусаллам АЪЗАМОВА,**
**Собир Раҳимов туманидаги Хислат маҳалласи хотин-қизлар кенгаши раиси:**

— Биз янги асрни янгича ўй-ниятлар, орзулар билан кутяпмиз. Ниятимиз янги асрда ҳамма нарса янгича бўлишини, маънавиятимиз янада юксалишини жуда-жуда истаймиз. Аввало асримиз тинчлик, меҳр-оқибат, эзгулик асри бўлсин. Орамизда пок ниятли, меҳрли, инсофли, диёнатли кишилар кўпайсин. Кириб келаётган янги асрга ҳам шахдам қадамлар, қутлуғ ниятлар билан кириб боряпмиз. Янги асримиз тинчлик, фаровонлик асри бўлсин, хонадонларимизда файзу баракот, бахтиёрлик, хотиржамлик ҳукм сурсин.

**Гулчеҳра ОЛИМЖОНОВА,**
**Тошкент Давлат иқтисодиёт университетининг магистранти:**

— Президентимизнинг ёшларга кўрсатаётган беқиёс ғамхўрликлари барчамизни қувонтирмоқда. Кўпчилик талабалар жаҳоннинг энг тараққий этган мамлакатларида таълим олиш имконига эга бўлмоқдалар. Янги XXI аср ёшлари ўз иқтидорлари, илмий-техник салоҳиятлари, янги-янги кашфиётлари билан Ўзбекистонимизни бутун дунёга машҳур қилиб, юксакларга кўтарадилар, деб орзу қиламиз.

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ*

## Коммунал хизматни бошқариш тизимини янада ислоҳ қилиш тўғрисида

**Коммунал хизмат тизимида ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, аҳолини ичимлик сув, табиий газ ва коммунал хизматлар билан барқарор таъминлаш, аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш масалаларида маҳаллий давлат бошқаруви ҳамда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг аҳамияти ва масъулиятини ошириш мақсадида:**

1. Ўзбекистон Республикаси Коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигини қайта ташкил этиш бўйича Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 2 ноябрдаги 429-сон қарори билан тузилган Махсус комиссиянинг қуйидаги таклифлари маъқуллансин:

Ўзбекистон Республикаси Коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигини тугатиш ва унинг негизида Ўзбекистон «Ўзкоммунхизмат» Агентлигини ташкил қилиш;

ҳудудий коммунал-фойдаланиш бирлашмаларини Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг бевосита қарамоғига топшириш;

шаҳарлар ва туманларда коммунал-фойдаланиш бошқармалари фаолияти самарадорлигини ошириш ҳамда бозор механизмларини кучайтириш.

2. Қуйидагилар «Ўзкоммунхизмат» Агентлигининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

аҳолини табиий ва суюлтирилган газ билан узлуксиз таъминлаш, минтақалараро сув қувурларининг барқарор ва ишончли ишлашини таъминлаш;

минтақалараро сув қувурларидан, коммунал газ сотиш тармоқларидан фойдаланиш ҳамда уларни ривожлантириш соҳасида ягона техникавий сиёсатни шакллантириш ва ўтказиш, уларни барпо этиш борасида буюртмачи вазифаларини амалга ошириш;

коммунал хизматни ислоҳ қилиш бўйича ишларни мувофиқлаштириш, коммунал хизмат соҳасидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни, техникавий-иқтисодий шартларни ишлаб чиқиш ҳамда белгиланган тартибда тасдиқлаш;

давлат бошқаруви маҳаллий органлари, хўжалик юритувчи субъектлар ва фуқаролар томонидан коммунал хизмат соҳасида амалдаги қонунчиликка, белгиланган техник шартлар ва талабларга риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш;

рўзғор чиқиндиларини йиғиш, уларни фойдали суратда ишлатиш ва қайта ишлаш борасидаги ҳолатни ўрганиш ҳамда шу масалалар бўйича ягона сиёсатни шакллантириш;

тармоққа хорижий сармоялар ва технологияларни, жумладан, қўшма корхоналар барпо этиш йўли билан жалб қилиш.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг ҳудудий-коммунал фойдаланиш бирлашмалари зиммасига қуйидаги асосий вазифалар юклансин;

аҳолига уй-жой-коммунал хизматларнинг жами комплексини кўрсатиш, уни ичимлик суви, марказий иситиш, канализация билан таъминлаш;

уй-жой-коммунал хўжалиги объектларини мавсумий фойдаланишга тайёрлаш борасидаги ишларни ўтказиш;

кўп хонадонли уйларни тубдан таъмирлаш бўйича ишларни белгиланган тартибда ташкил этиш;

уй-жой эгаларининг ширкатларини ҳамда Ягона буюртмачи хизматларини, уй-жой фондига хизмат қилиш ва коммунал хизматлар кўрсатиш бўйича муқобил пудрат ташкилотларини тузиш учун зарур ташкилий-иқтисодий шарт-шароитларни яратиш;

маҳаллий бюджет ва ўз маблағлари ҳисобидан коммунал объектлар қурилиши бўйича буюртмачи вазифаларини амалга ошириш;

шаҳарлар ва аҳоли манзилгоҳларини ободонлаштириш ҳамда санитария жиҳатидан тозалаш борасидаги ишларни ташкил этиш;

шаҳарлар ва туманлар коммунал-фойдаланиш бошқармаларининг фаолиятини мувофиқлаштириш.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг аҳолига коммунал хизматни ташкил қилиш соҳасидаги асосий вазифалари қуйидагилардан иборат этиб белгилансин:

коммунал хизматлар бозорида рақобатчилик муҳитини шакллантириш, уй-жой фонди ва бошқа коммунал объектларни бошқариш ҳамда уларга хизмат кўрсатиш вазифаларини ажратиш мақсадида минтақадаги коммунал хизмат тизимида ислоҳотларни амалга ошириш;

аҳолини тоза ичимлик суви ва газ билан таъминлаш учун сув қувурлари ва газ тармоқларини ривожлантириш борасидаги мақсадли давлат дастурларини ўз қарамоғидаги ҳудудда рўёбга чиқариш;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда ўз қарамоғидаги ҳудудда коммунал хизматларга бўлган тариф сиёсатини шакллантириш;

сув, газ, иссиқлик ҳамда бошқа энергия манбалари сарфини якка тартибда ҳисобга олиш ва тартибга солиш асбоб-ускуналарини жорий этиш бўйича ишларни мувофиқлаштириш;

ўз қарамоғидаги ҳудудда техникавий инвентаризация бюросининг фаолиятини ташкил қилиш.

5. «Ўзбекистон Республикасида коммунал хизмат кўрсатишни бошқаришни такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1993 йил 15 июлдаги ПФ-617-сон Фармонининг 1-3-бандлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Давлат мулки қўмитаси бир ой муддатда Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни киритсинлар.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ўн кун муддатда ушбу Фармонни амалга ошириш юзасидан қарор қабул қилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 2000 йил 19 декабрь.

*Футбол янгиликлари*

## РЕЖАЛАР ЎЗГАРДИ

Миллий терма жамоамиз собиқ бош мураббий Баҳром Ҳакимов иштирокида ишлаб чиқилган режага асосан янги йилнинг дастлабки ўн кунлигида халқаро турнирда қатнашиш учун Ҳиндистонга сафар қилиши лозим эди. Аммо янги бош мураббий Владимир Сальков режаларни ўзгартириб юборди. Энди кириб келаётган XXI асрнинг биринчи йили 4-18 январь кунлари терма жамоамиз Исроил мамлакатида ўқув-машғулот ўйинлари ўтказади ва ушбу мамлакат миллий терма жамоаси ҳамда кучли клублари билан ўртоқлик учрашувларида ўз кучини синаб кўради. Шуниси қизиқки, ҳозирча Исроил мамлакатига борадиган 28 нафар футболчи маълум бўлса-да, лекин ҳали таркибда ўзгаришлар бўлиши эҳтимоли ҳам йўқ эмас. Қувончли томони эса пахтакорчилардан Геннадий Шарипов, Марат Ахмеров ва Владимир Барановлар ҳам ушбу синов учрашувларида иштирок этишади. Аммо Ҳиндистонга 19-28 декабрда бўлиб ўтаётган «Мингйиллик кубоги» халқаро турнирида қатнашиш учун Александр Мягков бош мураббийлигидаги олимпия терма жамоамиз жўнаб кетди.

## СОВҒАЛАР ТОПШИРИЛДИ

Ўтган ҳафтада пойтахтимиздаги «Исломобод» қаҳвахонасида Тошкент шаҳар биринчилигида муваффақиятли иштирок этадиган «Пахтакор» футбол мактаби тарбияланувчиларини ушбу мактабнинг тарбиячилари, мураббийлар, ота-оналар иштирокида тақдирлаш маросими ўтказилди. Шуниси эътиборлики «Пахтакор» футбол мактаби вакиллари томонидан доимий тарзда анъана тусини олган ушбу тадбирда умидли ёш футболчиларга чемпионат медаллари ва ҳомийлар ҳамда Тошкент шаҳар футбол федерацияси томонидан таъсис этилган совғалар топширилди.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ.**

